



EOC
EUROASIAN
ONLINE
CONFERENCES

SPAIN CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON
SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND
INNOVATION**



Google Scholar

zenodo

OpenAIRE

doi[®] digital object
identifier

eoconf.com - from 2024

INTERNATIONAL CONFERENCE ON SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION: a collection scientific works of the International scientific conference – Madrid, Spain, 2026, Issue 5.

Languages of publication: Uzbek, English, Russian, German, Italian, Spanish,

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference «**INTERNATIONAL CONFERENCE ON SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION**». Which took place in Spain, 2026.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.



БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРДА ПРОФАЙЛИНГ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахимова Дилфузахон Алиевна

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети
профессори, п.ф.д.(DSc), профессор

Аннотация

Мазкур мақолада бўлажак офицерларда профайлинг компетенциясини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Замонавий ҳарбий хизмат шароитида инсон ҳуқ-атвори, эмоционал ҳолати, вербал ва невербал ҳаракатларини таҳлил қилиш қобилияти офицер фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида асосланган. Профайлинг компетенциясининг психологик мазмуни, унинг таркибий компонентлари, психологик механизмлари ҳамда бўлажак офицерларда мазкур компетенцияни ривожлантиришнинг самарали усуллари ёритилган. Шунингдек, стресс, конфликт, хавфли вазиятлар ва психологик таҳдидларни эрта аниқлашда профайлинг технологияларининг аҳамияти очиб берилган. Мақолада компетентлик ёндашуви, шахсга йўналтирилган таълим, психологик таҳлил ва рефлексив ёндашувлар асосида профайлинг компетенциясини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари тавсифланган.

Калит сўзлар: профайлинг, психологик барқарорлик, офицер, компетенция, невербал мулоқот, психологик таҳлил, эмоционал интеллект, рефлексия, стресс, ҳарбий психология.

Аннотация

В данной статье с научно-педагогической точки зрения проанализированы психологические особенности формирования профайлинговой компетенции у будущих офицеров. В условиях современной военной службы способность анализировать поведение человека, его эмоциональное состояние, вербальные и невербальные действия обоснована как важная составная часть профессиональной деятельности офицера. Освещены психологическое содержание профайлинговой компетенции, её структурные компоненты, психологические механизмы, а также эффективные методы развития данной компетенции у будущих офицеров. Кроме того, раскрыта значимость технологий профайлинга в раннем выявлении стресса, конфликтов, опасных ситуаций и психологических угроз. В статье охарактеризованы педагогико-психологические условия формирования профайлинговой компетенции на основе компетентного подхода, личностно-ориентированного обучения, психологического анализа и рефлексивного подхода.

Ключевые слова:

профайлинг, психологическая устойчивость, офицер, компетенция, невербальное общение, психологический анализ, эмоциональный интеллект, рефлексия, стресс, военная психология.

Abstract

This article analyzes the psychological features of forming profiling competence in future officers from a scientific and pedagogical perspective. In the context of modern military service, the ability to analyze human behavior, emotional states, and verbal as well as nonverbal actions is substantiated as an important component of an officer's professional activity. The psychological essence of profiling competence, its structural components, psychological mechanisms, and effective methods for developing this competence in future officers are discussed. In addition, the significance of profiling technologies in the early identification of stress, conflicts, dangerous situations, and psychological threats is revealed. The article also describes the pedagogical and psychological conditions for the formation of profiling competence based on the competence-based approach, learner-centered education, psychological analysis, and reflective approaches.

Keywords:

profiling, psychological stability, officer, competence, nonverbal communication, psychological analysis, emotional intelligence, reflection, stress, military psychology.

Замонавий глобал хавфсизлик муҳити, ахборот-психологик таҳдидларнинг кучайиши, гибрид уруш шакллари ва кенгайиши ҳамда инсон омилининг ҳарбий бошқарувда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши офицер кадрларининг касбий-психологик тайёргарлигига нисбатан мутлақо янги талабларни юзага келтирмоқда. Бугунги кунда ҳарбий хизмат жараёни нафақат юқори даражадаги жанговар тайёргарликни, балки инсон психологиясини чуқур англаш, шахс хулқ-атворини таҳлил қилиш, эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаш ва стресс шароитида тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан профайлинг компетенцияси бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги таркибида муҳим психологик-педагогик компонент сифатида намоён бўлмоқда.

Профайлинг тушунчаси инсоннинг ташқи ҳаракатлари, мимикаси, пантомимикаси, нутқи, эмоционал реакциялари ва психофизиологик белгилари орқали унинг ички психологик ҳолатини таҳлил қилишга қаратилган махсус психологик технология сифатида талқин қилинади. Илмий нуқтаи назардан профайлинг инсон хулқ-атворидаги вербал ва невербал белгиларни комплекс таҳлил қилиш орқали шахснинг эмоционал ҳолати, психологик хусусиятлари, эҳтимолий нияти ва хавф даражасини баҳолаш имконини беради. Бу эса ҳарбий соҳада айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки офицернинг инсон психологиясини тез ва тўғри баҳолай олиши

фавқулдда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш, конфликтларнинг олдини олиш ва жамоавий психологик барқарорликни сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Бўлажак офицерларда профайлинг компетенциясини шакллантириш, аввало, уларда юқори даражадаги психологик кузатувчанликни ривожлантириш билан боғлиқ. Кузатувчанлик инсон хулқидаги энг кичик ўзгаришларни, эмоционал реакцияларни, стресс ёки хавотир белгилари каби психологик ҳолатларни тез англаш қобилиятини ифодалайди. Ҳарбий фаолият жараёнида офицер атрофидаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, нутқидаги ўзгаришларни, эмоционал ҳолатини ва руҳий таранглик белгиларини тез аниқлай олиши лозим. Бу жараён диққат барқарорлиги, сенсор сезгирлик ва психологик таҳлил қобилияти билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Профайлинг компетенциясининг муҳим психологик хусусиятларидан яна бири эмоционал интеллект ҳисобланади. Замонавий психологик тадқиқотларда эмоционал интеллект инсоннинг ўз эмоцияларини англаш, бошқариш ва бошқаларнинг эмоционал ҳолатини тўғри баҳолай олиш қобилияти сифатида қаралади. Эмоционал интеллект ривожланган офицер жамоадаги психологик муҳитни тўғри баҳолайди, шахслараро муносабатларда юзага келадиган низоларни олдиндан англайди ҳамда стресс шароитида эмоционал барқарорликни сақлай олади. Шу сабабли бўлажак офицерларда профайлинг компетенциясини шакллантириш жараёнида эмоционал интеллектни ривожлантириш муҳим психологик вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур компетенцияни ривожлантириш жараёнида таҳлилий фикрлаш ва психологик прогноз қилиш қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Профайлинг инсоннинг ташқи ҳаракатлари орқали унинг ички психологик ҳолатини баҳолашга асосланганлиги сабабли офицер турли вербал ва невербал сигналларни таҳлил қилиб, муайян хулоса чиқариши талаб этилади. Бу жараён сабаб-оқибат муносабатларини англаш, маълумотларни таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш ва эҳтимолий хавфни прогноз қилиш қобилиятини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан профайлинг компетенцияси бўлажак офицерларда когнитив фаоллик ва аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

Замонавий ҳарбий хизмат юқори даражадаги стресс омиллари билан характерланади. Доимий хавф, психологик босим, фавқулдда қарор қабул қилиш зарурати инсон психикасига кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли профайлинг компетенциясини шакллантириш жараёни стрессга чидамлилик ва психологик барқарорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Стресс шароитида инсон хулқ-атворини объектив баҳолай олиш, эмоционал ҳолатни назорат қилиш ва вазиятни холис таҳлил қилиш офицернинг муҳим касбий сифатларидан бири ҳисобланади. Бу эса иродавий тайёргарлик, эмоционал назорат ва руҳий мувозанатни шакллантиришни талаб этади.

Профайлинг компетенциясини шакллантиришда рефлексив фикрлаш алоҳида аҳамиятга эга. Рефлексия инсоннинг ўз ҳаракатлари, қарорлари ва психологик ҳолатини таҳлил қилиш қобилиятини англади. Профайлинг жараёнида офицер нафақат бошқаларнинг психологик ҳолатини, балки ўз фаолиятини ҳам баҳолай олиши лозим. Бу эса хатоларни англаш, қарор қабул қилиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва касбий фаолиятни такомиллаштириш имконини беради. Рефлексив ёндашув бўлажак офицерларда мустақил фикрлаш, психологик ўзини назорат қилиш ва касбий ўсишни таъминлайди.

Профайлинг компетенциясини шакллантириш масаласи психология, педагогика, когнитив фанлар ва ҳарбий таълим назариялари билан узвий боғлиқ. Мазкур компетенциянинг назарий асослари инсон хулқ-атвори, мулоқот жараёни ва психофизиологик реакцияларини ўрганувчи бир қатор илмий концепциялар билан изоҳланади.

Психология фанининг ривожланишида инсон хулқ-атворини таҳлил қилишга оид ғоялар З. Фрейд, К. Юнг, Б.Ф. Скиннер, Ж. Пиаже, Л.С. Выготский, А.Н. Леонтьев каби олимлар томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилган. Хусусан, Л.С. Выготский инсон психикаси ва ижтимоий муҳит ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиб, шахс ривожланишида мулоқот ва ижтимоий таъсирнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бу эса профайлинг жараёнида инсоннинг ташқи хулқи орқали ички психологик ҳолатини англаш имкониятини илмий жиҳатдан асослайди.

А.Н. Леонтьевнинг фаолият назариясига кўра, инсон психикаси фаолият жараёнида шаклланади ва намоён бўлади. Профайлинг технологияси ҳам айнан инсон ҳаракатлари, нутқи, эмоционал реакциялари ва мулоқот жараёнини таҳлил қилишга асосланади. Демак, инсон фаолияти унинг ички психологик ҳолатини англашнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шунингдек, профайлинг компетенциясининг назарий асосларида эмоционал интеллект назарияси ҳам муҳим ўрин тутди. Д. Гоулман эмоционал интеллектни инсоннинг ўз эмоцияларини бошқариш, бошқаларнинг ҳиссиётларини англаш ва эмоционал муносабатларни тўғри ташкил қилиш қобилияти сифатида талқин қилади. Замонавий офицер фаолиятида эмоционал интеллект жамоавий психологик муҳитни баҳолаш, конфликтларни бошқариш ва стресс шароитида барқарор қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Профайлинг компетенцияси интегратив психологик-педагогик тузилма бўлиб, у инсоннинг хулқ-атвори, эмоционал ҳолати ва психологик хусусиятларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогноз қилиш қобилиятини ифода этади. Ушбу компетенциянинг шаклланиши бир қатор психологик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Аввало, профайлинг юқори даражадаги кузатувчанликни талаб этади. Кузатувчанлик инсоннинг ташқи ҳаракатларидаги энг кичик ўзгаришларни англаш қобилияти бўлиб, у диққатнинг барқарорлиги ва психологик

сезгирликка асосланади. Замонавий офицер инсон хулқидаги стресс, хавотир, агрессия ёки ёлғон белгиларини тез аниқлай олиши лозим. Бу эса юқори даражадаги психик фаолликни талаб қилади.

Профайлинг жараёнида когнитив жараёнлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг нутқи, мимикаси, жестлари ва эмоционал реакцияларини таҳлил қилиш таҳлилий фикрлаш ва сабаб-оқибат муносабатларини англаш қобилиятига боғлиқ. Шу сабабли профайлинг компетенцияси когнитив компетентликнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади.

Шу билан бирга, профайлинг компетенцияси эмоционал интеллект билан ҳам узвий боғлиқ. Эмоционал интеллект инсоннинг: ўз эмоцияларини англаш, эмоционал ҳолатини бошқариш, бошқаларнинг ҳиссиётларини тушуниш, эмоционал муносабатларни тартибга солиш қобилиятларини камраб олади.

Эмоционал интеллект ривожланган офицер инсонларнинг психологик ҳолатини тез англайди ва мулоқот жараёнида психологик таъсир воситаларидан самарали фойдалана олади.

Бўлажак офицерларда профайлинг компетенциясини шакллантиришда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, симуляцион машғулотлар, кейс технологиялари, ролли ўйинлар, стресс моделлаштирилган вазиятлар ва дебрифинг технологияси мазкур компетенцияни самарали ривожлантириш имконини беради. Симуляцион машғулотлар орқали тингловчилар реал вазиятга яқин шароитда инсон хулқини таҳлил қилиш, эҳтимолий хавфни аниқлаш ва тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди. Кейс технологиялари эса конфликтли ёки психологик таҳдид мавжуд бўлган вазиятларни таҳлил қилиш орқали аналитик фикрлашни ривожлантиради.

Замонавий ҳарбий таълим тизимида профайлинг компетенциясини шакллантиришда инновацион педагогик технологиялар муҳим ўрин тутаяди. Айниқса симуляцион машғулотлар, кейс технологиялари, ролли ўйинлар, дебрифинг технологияси ва стресс моделлаштирилган вазиятлар юқори самара беради.

Симуляцион машғулотлар реал вазиятга яқин шароит яратиш орқали бўлажак офицерларда психологик таҳлил ва тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Бундай машғулотларда инсон хулқидаги ўзгаришларни кузатиш, психологик таҳдидларни аниқлаш ва вазиятни тез баҳолаш имконияти юзага келади.

Кейс технологиялари профайлинг компетенциясини ривожлантиришнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Кейслар орқали тингловчилар турли психологик вазиятларни таҳлил қилади, конфликтли ҳолатларни баҳолайди ва муаммони ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади.

Айниқса дебрифинг технологияси профайлинг компетенциясини шакллантиришда муҳим педагогик-психологик восита сифатида намоён

бўлади. Дебрифинг жараёнида бўлажак офицерлар амалий ҳаракатларни таҳлил қилади, йўл қўйилган хатоларни англайди, психологик ҳолатни баҳолайди ва келгуси фаолиятни такомиллаштириш бўйича хулоса чиқаради. Бу эса рефлексив фикрлашни ривожлантириш, психологик барқарорликни мустаҳкамлаш ва касбий тажрибани бойитишга хизмат қилади.

Шунингдек, профайлинг компетенциясини ривожлантириш жараёнида невербал мулоқот воситаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг мимикаси, жестлари, кўз ҳаракатлари, нутқ темпи ва интонацияси унинг ички эмоционал ҳолати ҳақида муҳим ахборот беради. Бўлажак офицерлар мазкур белгиларни таҳлил қилиш орқали шахснинг руҳий ҳолати ва эҳтимолий нияти ҳақида психологик хулоса чиқариш кўникмасини эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак офицерларда профайлинг компетенциясини шакллантириш замонавий ҳарбий таълимнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур компетенция инсон хулқ-атворини психологик таҳлил қилиш, хавфни олдиндан аниқлаш, стресс шароитида тўғри қарор қабул қилиш ва жамоавий психологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Профайлинг компетенциясини шакллантириш жараёнида кузатувчанлик, эмоционал интеллект, таҳлилий фикрлаш, стрессга чидамлилиқ ва рефлексив ёндашув ҳал қилувчи психологик омиллар сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, симуляцион машғулотлар, кейс технологиялари ва дебрифинг усуллари кўллаш бўлажак офицерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини самарали ривожлантириш имконини беради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Пол Экман. *Психология лжи. Обмани меня, если сможешь*. — Санкт-Петербург: Питер, 2010.
2. Пол Экман. *Узнай лжеца по выражению лица*. — Москва: Эксмо, 2013.
3. Джо Наварро. *Я вижу, о чём вы думаете*. — Москва: Попурри, 2012.
4. Военная психология и педагогика / таҳрири остида А. Г. Маклаков. — Санкт-Петербург: Питер, 2005.
5. Профайлинг. Технологии предотвращения противоправных действий. — Москва, 2016